БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 135 (3363). | Сешанба, 12 июль 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ-МОНГОЛИЯ ДЎСТЛИГИ— МУСТАҲКАМ ВА БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Ю. Цеденбал ва Я. Самбу ўртоқларга телеграмма юборди. Тарихий воқеа — Монголия Халқ Республикасининг 45 йиллиги муносабати билан қардош монгол халқини бутун совет халқи номидан самимий қутладилар. Телеграммада айтиладики, халқ ҳокимияти йиллари мобайнида монгол меҳнаткашлари сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида зўр муваффақиятларга эришдилар. Монголия халқ республикасида социализм сари ривожланишнинг ноқапиталистик йўли тўғрисидаги марксизм-ленинизм таълимоти муваффақиятли равишда амалга оширилди.

Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси халқлари, дейилади телеграммада, бузилмас дўстлик алоқалари билан чамбарчас боғлангандирлар. Бу дўстлик негизини улуғ Ленин билан монгол халқининг шонли фарзанди Сухэ Батор қурган эдилар. Совет — Монголия дўстлиги мустаҳкам ва бузилмас дўстлик бўлиб, ҳар иккала давлат манфаатларига, бутун социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. (ТАСС).

АЛЕКСАНДР ПЕТРОВИЧ РУДАКОВ



Александр Петрович Рудаков Украина Компартияси Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат ва Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланди. У, иккинчи ва учинчи чақириқ Украина ССР Олий Советининг депутати эди.

КПССнинг XX ва XXII съездларида у, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат қилиб сайланди. КПСС Марказий Комитетининг 1962 йил ноябрь Пленуми А. П. Рудаковнинг КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатдан Марказий Комитет аъзолигига кўчирди ва уни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади. Партиянинг XXIII съездида А. П. Рудаков КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет Пленумида эса, КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди. А. П. Рудаков олтинчи ва еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

Совет давлати олдидаги хизматлари учун А. П. Рудаков иккита Ленин ордени билан, Меҳнат Қизил Байроғи, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан мукофотланди.

Партия юборган ҳамма иш участкаларида А. П. Рудаков зўр шижоат ва фидокорлик билан меҳнат қилиб, ўзининг бутун куч ва билимини, бутун талантини коммунистик қурилиш ишига бағишлади. У, толмас меҳнатқаш, сезгир ва меҳрибон киши, моҳир партиявий раҳбар эди. А. П. Рудаков партия, совет ходимлари, саноат ходимлари ўртасида зўр обрўга сазовор бўлган эди.

Александр Петрович Рудаковнинг бутун ҳаёти марксизм-ленинизм улуғ идеяларига садоқат намунаси бўлди. Унинг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети огир саноат бўлимининг мудири, СССР Олий Совети депутати Александр Петрович Рудаков оғир ва узоқ давом этган касалликдан кейин 1966 йил 10 июлда эллик олти ёшида вафот этди.

А. П. Рудаков ўзининг бутун онгли ҳаётини партиямиз ишига хизмат қилишга бағишлади. У, ҳаётининг сўнгги кунларига ча партиямизнинг содиқ фарзанди эди.

Александр Петрович Рудаков 1910 йилда Украинанинг Запорожье областидаги Пологи шаҳрида туғилди. У ўзининг меҳнат фаолиятини 1927 йилда Донбассдаги кўмир шахтасида бошлади. У, маҳкамловчи, дебедкачи ва забойщик бўлиб ишлади. А. П. Рудаков шу шахтада Коммунистик партия сафига кирди. 1932 йилда ишчилар факультетини тамомлаб, Ленинград кон институтига кирди ва бу ерда кон инженери ихтисосини эгаллади. А. П. Рудаков 1938 йилдан тортиб 1942 йилгача Украина Компартияси Марказий Комитети кўмир саноати бўлимининг инструктори, шу бўлим мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан А. П. Рудаков Ғарбий-Жанубий фронт Ғарбий кенгашининг вакили бўлди. 1942 йил сентябридан бошлаб эса, КПСС Марказий Комитетининг аппаратида ишлади. 1944 йилда у Украина партия ташкилотига юборилди. Бу ерда у, Украина Компартияси Марказий Комитети секретарининг ўринбосари, Украина Компартияси Марказий Комитети кўмир ва оғир саноат бўлимлари, партия, касаба союз ва комсомол органлари бўлимининг мудири бўлиб ишлади. А. П. Рудаков 1954 йилдан буён КПСС Марказий Комитети оғир саноат бўлимининг мудири эди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий, Ю. В. Андропов, Н. В. Капитонов, Ф. Д. Куланов, Б. Н. Пономарев, Н. Г. Егорычев, Н. К. Байбаков, В. Э. Дымшиц, М. Т. Ефремов, В. А. Кириллин, М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, Г. Ф. Сизов, И. П. Казанец, В. И. Степанов, С. П. Трапезников, М. В. Зимянин, Г. С. Павлов, И. Д. Сербин, П. К. Сизов, В. С. Фролов, К. У. Черненко, В. Ф. Шауро, А. Е. Бирюков, В. М. Бушуев, Я. И. Кабков, А. С. Панюшкин, К. С. Симонов, Д. П. Шевлягин, М. П. Георгадзе, С. А. Баскаков, Г. Т. Григорьян, А. А. Шилин, И. П. Ястребов.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқи делегацияларининг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий-маслаҳат комитети кенгашида ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувида қилган ишлари ҳақидаги ҳисоботини қараб чиқдилар. Бу кенгаш ва учрашувлар Бухарестда 1966 йил 4 июлдан 7 июлгача бўлиб ўтган эди.

Совет Иттифоқи Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қарорларига катта аҳамият беради. Бу кенгаш ҳозирги халқаро вазиятнинг энг актуал проблемаларини — Европада тинчлик ва хавфсизлик масалаларини ҳамда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси натижасида рўй берган аҳволни муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва Совет ҳукумати зўр мамнуният билан қайд қиладиларки, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация империализмнинг Европадаги агрессив планларини барбод этиш учун курашда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлиги ва бирдамлигининг ифодаси бўлди.

Совет Иттифоқи кенгаш қатнашчиларининг Европа қитъасида тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини қўлаб АҚШ империализми қўллаб-қувватлаётган Ғарбий Германия милитаристик ва реваншчи доираларини ядро қуролига яқинлатиш имконияти бўлмаслиги керак. Уларнинг территориялар ҳақидаги даъволари узил-кесил рад қилиниши керак, деган фикрига тамомила қўшилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети декларацияни имзолаган барча давлатларнинг Европа давлатлари ўртасидаги мавжуд чегараларнинг, шу жумладан, суверен Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия чегараларининг бузилмас чегаралар эканлиги Европа хавфсизлигини таъминловчи асосий негизларнинг бири эканлиги ва кенгашда қатнашган барча давлатлар империализм ва реакция кучлари томонидан шу давлатларга қарши қилинадиган ҳар қандай агрессияни емириб ташлашга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини таъкидлаганликлари ҳақида яқдиллик билан айтган гапларидан чуқур мамнун эканликларини билдирдилар.

Совет Иттифоқи Европада тинчликни таъминлаш юзасидан кенгашда ишлаб чиқилган программани қўлаб-қувватлайди ва бошқа давлатлар билан биргаликда Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлларини қидириб топишга, Европанинг самарали ҳамкорлик қитъаси, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг қудратли фактори бўлиб қолиши учун ҳамма чораларни кўришга қатъий бел боғлагандир.

Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг кенгашда яқдиллик билан қабул қилинган баёнотини Совет Иттифоқи тўла маъқуллайди ва астойдил қўллаб-қувватлайди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва Совет Ҳукумати қаҳрамон вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш шу жумладан. Вьетнамдаги уруш нинг янги босқичи тақозо этган эҳтиёжларни ҳисобга олиб, америка агрессиясини даф этиш учун зарур бўлган иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларни кўриш ҳақида ҳам компетент совет органларига кўрсатма бердилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва Совет ҳукумати ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувидаги фикрлашиб олишга катта аҳамият берадилар. Бу учрашув уларнинг ўз мамлакатлари манфаатлари йўлида ва жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш йўлида ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтиришга яқдиллик билан интилаётганликларини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва СССР Министрлар Совети Сиёсий маслаҳат комитети кенгашида ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари ҳамда ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувида қатнашган совет делегацияларининг фаолиятини тўла маъқуллайдилар ва қабул қилинган қарорларни социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамланиб бораётганлигини исбот қилувчи янги муҳим далил, деб ҳисобладилар.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ ЎН КУНДА БАЖАРИЛАДИ



Машина деҳқон қанати. Биз уни қадрлаймиз, энг яқин ёрдамчи ва дўстимиз деб биламиз. Бизнинг колхозимизда техниканинг кучидан унумли фойдаланишга катта эътибор билан қараётганлиги туфайли йил сайин янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Ўтган йилги якунлар тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман. Пахта тайёрлаш йиллик плани илгариги вақтларда икки-уч, ҳатто тўрт ойда бажариларди. Кейинги иккиуч йил ичида аҳвол бутунлай ўзгарди. Ғўза мавсум бошидан машинабоп қилиб ўстирилаётгани, машиналар тўла қувват билан ишлатилаётгани туфайли бу муддат йил сайин қисқариб бормоқда. Колхозимиз ўтган йили 17 кун деганда пахта тайёрлаш йиллик планини шараф билан бажаришга муваффақ бўлди. Ҳосилнинг 60 проценти фақат машиналар билан териб олинди.

Бизнинг звеномиз аъзолари эса бундан ҳам кувончли ютуқларга эришдилар. Ҳосил эрта етиштирилгани, унинг асосий қисми машиналар билан териб олингани туфайли биз йиллик планни 15 кунда бажаришга муваффақ бўлдик. Ғўза ўз вақтида сифатли дефолиация қилинди. Ҳар бир агрегат нормани ошиғи билан бажарди. Механизаторларнинг меҳнатига ҳак тўлашда янги усуллардан фойдаланилди.

Бу йилги маррамиз янада юксак. Деҳқонларимиз ҳар гектар ердан йил бошида олган мажбуриятларидаги 25 центнер ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга, йиллик планни ўн кун ичида бажаришга қатъий бел боғладилар. Менинг ўзим машина билан бултурги 100 тонна ўрнига бу йил 120 тонна пахта термоқчиман.

Ҳозир ғўза парваришини қизғин давом эттиряпмиз. Мўл ҳосил нишоналари кўзга яққол ташланмоқда. Ҳар тупда ўрта ҳисобда 2—3 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Планни йиғим-теримнинг дастлабки ўн куни ичида бажаришга эришиш учун пахтани эрта пиширириб етилтириш зарур. Биз ҳозир бутун куч-эътиборимизни ана шу ишга қаратганмиз. Ғўза қатор ораларига оби-тобида ишлов берилялти, ўсимлик сувдан толиқтириб қўйилмаяпти. Ҳозирги пайтда ҳар бир гектар ергина эмас, балки ҳар бир туп ғўза ҳам бизнинг эътиборимизда бўляпти. Ана шунинг учун ҳам пайкалларимизда ҳосил нишоналари борган сари кўпаймоқда.

Колхозимиз механизаторлари машина теримига пухта тараддуд кўряптилар. 19 та машина сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди, қолган бешта машина ҳам яқин кунлар ичида созланган «зангори кема»лар сафидан ўрин олади. Колхозимиз пахтакорлари бу йил планни 15 иш кунида бажаришга, етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан йиғиб-териб олишга сўз беришган. Ишончимиз комилки, бу сўзга албатта амал қилинади. Бизнинг звеномиздан ташқари Бакир Аликов, Холмурод Ниёзов сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг аъзолари ҳам йиллик планни жуда қисқа фурсат ичида бажаришга аҳд қилишди. Ҳозир хўжалигимизнинг ҳамма ерида пахтадан ҳам мўл, ҳам эртаги ҳосил етиштириш учун қизғин кураш кетмоқда. Машқур механизатор Мамажон Дадажоновнинг чақириғига қўшилиб, бу йил машина теримига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бунинг учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Бегим ЭГАМҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг механизатор-звено бошлиғи.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

БЎКА РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ 8 ИЮЛДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИДА БОСИЛГАН «ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШИШ, ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ» ТЎҒРИСИДА

Тошкент область партия комитети бюроси Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоларининг «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 8 июль сонида босилган ҳосилга-ҳосил қўшиш, пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ва уни қисқа муддатда ўтказиб, давлат планини 22 иш кунида бажариш юзасидан белгилаган тадбирларини кўриб чиқди ва маъқуллади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область пахта совхозлари трести, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхозларнинг коллективларига «Ленин йўли» колхозининг тадбирларини муҳокама қилиш, пахта йиғим-теримига ўз вақтида тайёргарлик кўриш ҳамда пахта тайёрлаш давлат планини қисқа муддат ичида бажариш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқишни топширди.

Шунингдек, область газеталари редакцияларига колхоз ва совхозларда йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва планни қисқа муддатда бажариш учун қилинаётган ишларни узлуксиз ёритиб борниш топширилди.

МУЛ ҲОСИЛ УЧУН

Мўл ҳосил учун курашнинг қизғин, ҳал қилувчи даври ўтмоқда. Ҳар бир деҳқон ўз даласидаги ғўзани сергакли билан парвариш қилмаса ҳосилга путур етиши мумкин. Хоразмлик машъал пахтакорлар ана шуни ҳисобга олиб, ҳосил учун курашни зарбдор фронт деб эълон қилдилар. Бугунги кунда ҳар бир киши ғўза парваришида иштирок этиши керак.

Ҳақиқатан ҳам бу йил об-ҳаво шароити деҳқоннинг кўнглидагидек бўлмади. Чигитни эрта муддатларда экиб олган бўлсак ҳам, ғўза униб чиқиши билан ҳар хил ҳашаротлар, айниқса шира қўпайиб, унинг тез ривожланиши учун имкон берди. Биз звено аъзолари билан маслаҳатлашиб, биринчи навбатда ғўза қаторларини майин тупроқли қилиб юмшатиш, ҳашаротга қарши курашни ҳартарафлама кучайтиришга киришдик. Ғўзаларимиз яхши ўсди, барвақт шоналади. Бу ишда Ўммат Бегатов, Абил Хожибоев, Турсуной Хожибоева, Олимжон Усмонов каби ўртоқлар айниқса маҳорат кўрсатдилар. Улар ҳар бир туп ғўзанинг атрофини яхши юмшатдилар. Озиғидан, сувидан хабардор бўлиб турдилар.

Об-ҳаво шароити ноқулай бўлаётган бу йил ҳам биз ҳамма қийинчиликларни енгиб, ғўза парваришини шу кеча-кундузда айниқса кучайтирамиз ва зиммамиздаги гектардан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини албатта бажарамиз.

А. ТОЖИҚУЛОВ,
Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг звено бошлиғи.

МОСКВА А. П. РУДАКОВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

МОСКВА, 11 июль. (**ТАСС мухбири**). Коммунистик партиянинг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети оғир саноат бўлимининг мудири, СССР Олий Совети депутати А. П. Рудаковнинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар совет кишиларини қайғу-аламга солди.

Марҳумнинг жасади солинган тобут бугун Союзлар уйига қўйилди. Колонна залидаги чироқлар қора ленталар билан қопланган. Супа ёнига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми номидан гулчамбарлар қўйилган.

Соат 14 да марҳум билан видолашиш учун эшиклар очилди. Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. М. Машеров, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, А. П. Рудаковни дафн этишни уюштириш ҳукумат комиссиясининг аъзолари биринчи бўлиб мотам вахтасида турдилар.

Ҳазин мотам куйи чалинмоқда. Пойтахтдаги завод, фабрика, муассасаларнинг вакиллари тобут ёнидан ўтадилар. Улар бутун ҳаёти марксизм-ленинизм улуғ идеяларига садоқат намунаси бўлган А. П. Рудаковнинг ҳурматини бажо келтирадилар.


КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети оғир саноат бўлимининг мудири, СССР Олий Советининг депутати Александр Петрович Рудаков узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1966 йил 10 июлда 56 ёшида вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғафур ҒУЛОМ узоқ давом этган оғир бетобликдан сўнг 1966 йил 10 июлда вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар.



ЯНГИЙЎЛ районидаги «Москва» колхозининг пахтакорлари ғўза парваришини кун сайин авж олдириш учун ўзларининг барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Хўжаликнинг айниқса ўртоқ Т. Абдураимов бошлиқ звеносида ғўза парваришн намунали бораяпти. Гектар бошига 30 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаган звено деҳқонлари ҳар тупда иложи борича кўпроқ кўсак тўплашга ҳаракат қилишмоқда. Суратда: звено бошлиғи-механизатор ўртоқ Т. Абдураимов бошқараётган агрегат ғўза қатор ораларини культивация қилиш билан бир вақтда ўсимликни озиқлантириб кетяпти.

А. Абаляп фотоси.

ТОКАРЬ МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ

СССР Олий Совети Президиуми етти йиллик план топшириқларини бажариш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда жуда катта меҳнат ютуқларига эришган, енгил ва озиқ-овқат саноати учун янги техника яратишда актив қатнашган СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги корхоналарининг бир группа ходимларига **Ленин** ордени ва **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топшириш билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди. Ана шундай катта бахтга сазовор бўлган машинасозлар орасида «Таштекстильмаш» заводининг токари **Николай Иванович ОРЛОВ** ҳам бор.

* * *

Николай Иванович Орлов ўз маҳсулотлари билан жаҳонга донг таратган «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг кекса ва тажрибали токаридир. Унинг бу даргоҳга жуда кўп меҳнати сингган. Коллектив қўлидан чиқаётган тўқимачилик машиналари хилини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, чидамлилигини оширишга озми-кўпми муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзи эса танлаган касбида 35 йилдан бери тиним билмай меҳнат қилаяпти.

Анча ёшга бориб қолганига қарамай ҳали ҳам чаққон ва тез ҳаракат қилади. Ҳар қандай мураккаб ва машаққатли топшириқни дўндиради, керагидан ҳам яхши қилиб бажаради. Шу корхонада ишлаётганидан бери унинг қадоқ қўллари янги машиналар тайёрлаш учун зарур бўлган жуда кўп штамп, пресс форма ва мосламаларни тайёрлади. Уларнинг умумий сони 3 мингтадан ошиб кетди. Бу деталь ва мосламалар 24 та янги хил тўқимачилик машиналарини тайёрлашда фойдаланилди. Донгдор токарь ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга қаратилган қатор таклифлар автори ҳамдир. Унинг ёрдамида жуда кўп сермеҳнат ва машаққатли операцияларни енгиллашди, ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди, унумдорлик эса ошди.

Николай Ивановичнинг ташаббуси билан корхонада жуда кўп фойдали ҳаракатлар бошланди. У материал ва хомашёларни тежаб-тергаб сарфлаш, шахсий тамға, беш йилликни бажаришга иложи борича кўпроқ шахсий ҳисса қўшиш, ҳар бир иш жойини тартибли сақлаш ва бошқа шу каби хайрли ишлар юзасидан бошланган ҳаракатга биринчи бўлиб қўл урди. Барча касбдаги машинасозлар томонидан чексиз ҳурмат ва иззат қилинадиган кекса токарнинг бундай ташаббуслари ҳар донм бутун коллектив томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса жуда яхши самаралар бераяпти. Давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилиши, ишлаб чиқариш фондидан олинаётган маҳсулот миқдорини кўпайтиришга маълум даражада кўмаклашди.

Ўртоқ Орлов корхонада ишлаш давомида жуда кўп ёшларга ўзининг касбини ўргатди. Уларда машинасозлик ҳунарига қизиқиш уйғотди, бу олижаноб касбга дор туширмасдан ишлаш зарурлигини уқтирди. Унинг бой тажрибасини ўрганиб, токарлик касбини пухта эгаллаган ва унумли меҳнат қилиб, машинасозлар мактовига сазовор бўлаётган шогирдлари корхонанинг барча цех ва участкаларида бор.

Юксак унвоннинг берилиши Николай Ивановични беҳад қувонтириб юборди. **Бу қувончга бутун корхона коллективи шерик бўлаяпти.** Ҳақиқатан ҳам тўй устига тўй бўлди-да. Яқиндагина корхонанинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги ҳақидаги хушхабар бутун республикага ёйилган эди. Заводнинг кекса токари ўртоқ Орловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвоннинг берилиши нур устига нур бўлди.

— Юксак унвон мамлакатимиз халқларининг бахт-саодати учун янада зўр ғайрат ва шижоат билан ишлашга даъват этади мени, — дейди Николай Иванович. — Танимда жоним бор экан, шу йўлда тиним билмай меҳнат қиламан. Бутун билимим ва тажрибамни халқимизга турли-туман кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тўқимачилик саноати учун зарур бўлган янги машиналар яратишга сарфлайман.

ИНСОН — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА!

Жонажон Тошкентимизда неча юз марталаб ер қимирлаши бир миллиондан ортиқ шаҳар аҳолисининг бошига тушган катта кулфат бўлди. Тошкентликлар ҳар қачонгидек ҳозирда ҳам юксак маънавий ва гражданлик фазилатларини намойиш қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда вазифа — зилзила оқибатларини мумкин қадар тезроқ тугатишдан ва тиригчилик учун нормал шарт-шароитлар бўлишини таъминлашдан иборат. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг зилзила оқибатларини тугатиш чоралари тўғрисидаги қарорлари ва қардош республикаларнинг бегараз ёрдами тошкентликларда шаҳар тез тикланади, янгидан барпо этилади, деган ишончни оширди.

Зилзила анча катта зарар етказганига қарамай, шаҳар саноати ярим йиллик планни муддатидан илгари муваффақиятли бажарди. Ана шу мақсадга эришмоқ учун зилзиладан зарар кўрган саноат корхоналарида ремонт-тиклаш ишлари олиб борилди, айрим цехлар, лабораториялар, маданий-маиший муассасалар бошқа жойларга кўчирилди, авария ҳолатидаги деворлар ва томлар мустаҳкамланди. Министрликлар ва бошқармалар корхоналарга ёрдам бермоқ учун мутахассисларни ва ишчиларни Тошкентга юбордилар, талайгина миқдорда моддий-техника ресурслари, транспорт ва пул маблағлари ажратилди. Ҳозирги вақтда шаҳардаги барча саноат корхоналари, шу жумладан 26 апрелда ишга тушган корхоналар ҳам маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Зилзила оқибатларини тугатиш республика ҳукумат комиссияси, шаҳар партия ва совет ташкилотларининг бутун куч ва эътиборлари бошпанасиз қолган кишиларни жойлаштиришга, шаҳар хўжалигининг аҳолига хизмат кўрсатадиган ҳамма тармоқларининг узлуксиз ишлаб туришини таъминлашга, жамоат тартибини яхши сақлашга, авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлаб, уларнинг қолдиқларини чиқариб ташлашга қаратилди. КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати, Москва, Ленинград, шунингдек қардош республикалар берган ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланишни таъминлашга, янги уй-жой қурилишини кучайтириш ва ремонт-тиклаш ишларини қизитиб юборишга алоҳида эътибор берилди.

Зилзила оқибатларини тугатиш масалалари юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларнинг баъзиларини фавқулодда вазият тақозо этганлигини айтиб ўтиш керак. Масалан, ҳукуматнинг 3—4 хонали квартираларга мажбурий тартибда одамларни жойлаштириш тўғрисидаги, Тошкентда прописка қилишни тўхтатиш ҳақидаги қарорлари шулар жумласидандир. Тошкентнинг ҳар бир онгли граждани буни яхши тушунади ва ана шу чораларни қўллаб-қувватлаяпти.

Тошкент тагида ер қимирлаш икки ойдан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда. Ўзбекистон пойтахтига, унинг уй-жой, соцнал-маданий фондига жуда катта зарар етди.

Зилзиланинг оқибатларини тугатиш учун қандай чоралар кўрилмоқда, меҳнаткаш шаҳар, қаҳрамон шаҳар жароҳатларини қандай даволамоқда, табиий офат натижасида вайрон бўлган мураккаб хўжаликни қай тариқа тиклamоқда, аҳоли бошидан кечираётган қийинчиликларни енгиллаштириш учун нималар қилинмоқда? Ана шу саволларга ва бошқа саволларга Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш республика ҳукумат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов жавоб беради.

□ □

Якка тартибда уй-жой қуриш учун Тошкент шаҳар ижроия комитетига 941 гектар ер ажратиб берилди. Бу ердарда 6.500 уй-жой қурилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ уч мингга яқин киши участка олиб, уй-жой қуришга киришди. Совет Армиямизнинг шонли жангчилари шаҳар йўлдоши «Сергели»да қурилиш ишларини кенг кўламда олиб бормоқдалар.

Зилзиладан зарар кўрган гражданларга бир йўла моддий ёрдам бериш чоралари амалга оширилмоқда. Шу мақсадда шаҳар ва район ижроия комитетларига, министрликларга ва бошқармаларга зарур маблағлар ажратилди.

Зилзила натижасида ўзларига қарашли уйлари бузилиб кетган ёки шикастланган гражданларга талайгина миқдорда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Район ижроия комитетлари бузиб ташланадиган уйи эвазига янги уй қуриб олишни истаган оилаларга оила аъзоларининг сонига қараб пул билан нафақа бермоқдалар, шунингдек бузилган иморатлардан чиққан бинокорлик материалларини текин ажратиб бермоқдалар. Айрим кишиларнинг ўзларига қарашли шахсий уйларини тиклаш-капитал ремонтдан чиқариш учун ҳам нафақа ва бепул янги бинокорлик материаллари берилади.

Пул нафақалари ва материаллар бериш жамоатчиликнинг пухта контроли ва халқ контроли органларининг назорати остида ўтказилади. Бериладиган ёрдам миқдорини аниқлаш учун депутатлар бошчилигида махсус комиссиялар тузилди. Уй эгаларига уларнинг кўрган зарарларини қоплаш учун Госстрах йўли билан саккиз миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу маблағдан қарийб етти миллион сўм тўланди.

Зилзила бошланган дастлабки кунлардаёқ болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинди. Шаҳар паркларида ва область территориясида пионер лагерлари очилди. Касаба союзлари, шунингдек министрликлар ва бошқармаларнинг барча дам олиш уйлари ва шифохоналари болалар ихтиёрига топширилди. Бу ерларда болалар тамомила давлат ҳисобига таъминланмоқда. Ҳозирги вақтда лагерларда ва шифохоналарда тошкентлик болалардан 65.350 таси дам олмоқда. Булардан 21 мингга яқин бола қардош республикалардаги пионер лагерларига жўнаб кетди, мактаб ўқувчиларидан 1.800 бола ўқишни давом эттириш учун Москва ва Ленинграддаги мактаб-интернатларга, 200 бола Жамбул ва Чимкентдаги мактаб-интернатларга ҳамда инки минг бола Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Бухородаги мактаб-интернатларга юборилди.

Аҳолига узлуксиз медицина хизматини таъминлаш ва санитария режимини кучайтириш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Зилзила натижасида шаҳардаги шифохоналар 5.865 ўриндан маҳрум бўлиб қолдилар. Ана шу зарарнинг ўрнини қоплаш учун Соғлиқни сақлаш министрлиги ихтиёрига 12 объект (мактаб-интернатлар, дам олиш уйлари, идора бинолари) берилди. Буларда 3.470 ўрин бор. Соғлиқни сақлаш министрлигининг бу йил Тошкентда планда кўзда тутилганидан ташқари касалхоналарда яна 500 ўрин тайёрлаб қўйиши учун рухсат берилди. Мавжуд касалхоналарда 1.650 ўринли янги корпуслар қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. «Главташкентстрой»нинг медицина-санитария қисми ташкил этилди. Медицина-санитария қисмининг стационарида 300 ўрин бор.

Бузилиб кетган савдо бинолари ўрнига қўшимча равишда 707 павильон, киоска, палаткалар очилди. Навоий кўчасида шаҳар ярмаркаси ишлаб турибди. Олой бозори районида иккинчи муваққат савдо марказини очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлаш ишлари жадаллаштирилмоқда. Шу пайтгача икки минг икки юз бино бузилиб 250 минг квадрат метрдан ортиқ ҳажмдаги участкалар тозаланди, қарийб тўрт юз минг кубометр қурилиш чиқиндилари шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетилди. Биноларни бузишда ҳар куни 15 экскаватор, 15 бульдозер, 200 — 250 автомашина ишлаб турибди.

Ремонт-тиклаш ишларини уюштириш — зилзила оқибатларини тугатиш соҳасидаги ишимизнинг энг муҳим қисмидир. Ҳукумат комиссиясининг топширувига биноан, Ўзбекистон ССР Госстройи зилзила натижасида шикастланган биноларни техникавий текширишдан ўтказди. Ана шу мураккаб ишни бажариш учун кўпгина мутахассисларни жалб этишга тўғри келди.

Авария ҳолатидаги биноларни бузиш, қурилиш чиқиндиларини ташиб олиш ва шаҳарни тозалаш ишларини 1967 йил 1 январгача тамомилаш кўзда тутилади. Ремонт-тиклаш ишлари графиги тасдиқланди. Уй-жойларни капитал ва жорий ремонтдан чиқариш 1 ноябргача, мактаблар, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларини капитал ва жорий ремонтдан чиқариш 1 сентябргача, даволаш муассасалари ва болалар муассасаларининг ремонти шу йилнинг охиригача тамомланиши лозим.

Ҳукумат комиссияси министрликларга ва бошқармаларга ўз ихтиёрларидаги уй-жойлар ремонтини тезлатишни, шунингдек маҳаллий Советларнинг уйларида ва шахсий уйларда яшовчи ходимларнинг турар жойларини ремонт қилишда ёрдам кўрсатишни топширди. Министрликларда ремонт-қурилиш группалари тузилди. Бу группаларда 2.800 дан ортиқ ишчи бор.

Тиклаш ишлари билан бир қаторда «Главташкентстрой» йўли билан уй-жой қурилишини кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



ТОШКЕНТ ГРЭСининг навбатдаги агрегатларини монтаж қилиш ишлари тез суръатлар билан бормоқда. Ҳозир 5-турбо-генераторнинг узел ва қисмлари йиғилмоқда. Бу ишда бошқалар қатори Валерий Подубнов ҳам актив иштирок этаяпти. У смена топшириқларини муттасил бир ярим бараварга етказиб адо этмоқда. Унинг қўли теккан иш сифатли бўляпти. Суратда: Валерий Подубнов иш устида.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

СИРДАРЁ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Республикалар, областлар, районлар ва хўжаликларнинг пахтакорлари ўртасидаги социалистик мусобақа анъанага айланиб қолди. Социалистик мусобақа — юксалиш йўлида, катта марра йўлида кишиларга зўр куч, ғайрат, шижоат, ҳиммат, ирода бағишловчи, ютуқларга ютуқ қўшувчи, камчиликларни тезда бартараф этишга кўмаклашувчи, илғор тажрибаларни кенг ёювчи қудратли воситадир.

Ҳар йили ўзаро социалистик мусобақа боғлаб келаётган Тошкент ва Сирдарё областларини эгизак областлар десак бўлади. Чунки бу ҳар иккала областнинг меҳнаткашлари қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, коммунистик мўл-кўлчилик яратиш йўлида астойдил меҳнат қилаяпти.

Анча ёшга бориб қолганига қарамай, ҳали ҳам ишдан чарчамайдиган Сирдарё деҳқонларининг дили дилига, ери ерига пайванд бўлиб кетган. Атоқли адибимиз марҳум Ғафур Ғуломнинг таъбири билан айтганда, бир терак тушгача Тошкент ерига соя берса, тушдан кейин Сирдарё ерига соя беради. Ерларимиз бир-бирига шунчалик яқин, шунчалик пайванд. Дилларимиз эса бундан ҳам яқин!

Ҳар йилги социалистик мусобақа иккала областнинг ҳам катта ютуқларни қўлга киритишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Мана, бу йилги ўзаро тенгишлар ҳам муваффақиятли тугалланди. Ишончимиз комилки, сирдарёликларнинг бизга келишгани, бизларнинг эса Сирдарёга борганимиз, бир-бирларимизнинг ютуқ ва камчиликларимизни кўрсатганимиз, бир-биримизга қимматли маслаҳатлар берганимиз бу йил ҳам пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан баракали хирмон кўтаришимизга катта туртки бўлади.

Биз Сирдарё области механизаторлари ҳузурида қисқагина меҳмон бўлиб турсак ҳам, деярли ҳамма хўжаликларнинг далаларини айланиб чиқишга муваффақ бўлдик. Мирзачўлнинг марди-майдонлари катта ирода билан, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганликларини кўриб, дилларимиз севинчларга тўлди.

Сирдарё областининг поёни йўқ далаларида зўр меҳнат намуналарини кўрсатаётган ҳормас-толмас деҳқонлар улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленинниг Мирзачўлни катта пахта ўлкасига, боғу-бўстонлар диёрига айлантириш тўғрисидаги орзуларини рўёбга чиқаришяпти.

Бепоён Мирзачўлда майдон мардлари деган номни чинакамига оқлаётган азамат, уддабурон, ишбилармон, олиҳиммат деҳқонлар жуда кўп. «Андижон» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов, «Малик» совхозидан Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор Жавод Кўчиев, Ильич районидаги 6-совхозидан Инобат Охунова, Қувондиқ Абдураззоқов, «Пахтаорол» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Қодирбек Маханов, Момиқ Тўқжигитов, СССР Олий Советининг депутати Идбай Усенбеков, Жиззах районидаги Ждановнинг номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Санақулова, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозидан Фармонқул Суяров сингари билагидан ғайрат ўти чақнаб турган, қалби ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган ўнлаб чўлқуварлар борки, улар Мирзачўлнинг оғир шароитига қарамай пахтадан баракали хирмонлар кўтариб, эл-юртдиқ Абдураззоқов, «Пахтаорол» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Қодирбек Маханов, Момиқ Тўқжигитов, СССР Олий Советининг депутати Идбай Усенбеков, Жиззах районидаги Ждановнинг номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Санақулова, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозидан Фармонқул Суяров сингари билагидан ғайрат ўти чақнаб турган, қалби ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган ўнлаб чўлқуварлар борки, улар Мирзачўлнинг оғир шароитига қарамай пахтадан баракали хирмонлар кўтариб, эл-юртларининг катта иззат ва ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Пахтакор деган шарафли номни улуғлаётган ўзбек деҳқони Мамажон Дадажоновни ватанпарварларнинг ватанпарвари деб атасак арзийди. У катта «оқ олтин» хирмони учун олиб борилаётган курашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида бу йил Андижондаги тугилиб ўсган одоб қишлоғини, қадрдон колхозини ташлаб Мирзачўлга келди. Йўлу-биёбонлар бағрида янгиигиз тугилган совхозда комплекс механизациялашган бригада тузиб, унга раҳбарлик қиляпти. Мамажон ва унинг шогирдлари ўстираётган бўлиқ ғўзаларни кўрган ҳар бир кишининг ҳаваси келади, шу кунларда. Мамажон куни-кеча республикамизнинг барча механизаторларига қарата хат ёзиб, уларни катта курашга чақирди. Унинг бу жанговар чақириғи Ўзбекистонимиздаги барча механизаторларнинг қалбидан чуқур ўрин олди.

Мамлакатимизнинг донгдор механизатори Жавод Кўчиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригаданинг олти аъзоси бу йил 90 гектар майдонда «оқ олтин» етиштираяпти. Жавод Кўчиев — пахтачиликка янги-янги самарали усуллар олиб кираётган энг олижаноб деҳқонлардан бири. У кейинги икки-уч йилдан бери чигитни 90—20 сантиметр схемасида кенг қаторлаб экиш усулини синаб келаяпти. Бу усул Мирзачўл шароитида ўзининг ажойиб афзалликларини кўрсатмоқда. Бу йилдан бошлаб фақат беш-олтита саноқли бригадаларгина эмас, балки бутун «Малик» совхози ва кўпгина бошқа хўжаликлар ана шу усулда чигит экишга тўла кўчдилар.

— Кенг қаторлаб экишнинг энг афзал томони шуки, бунда техниканинг кучидан юқори унум билан фойдаланилади, — дейди Жавод Кўчиев, — биз МТЗ-75 маркали янги, қудратли тракторлар олганмиз. Уни деҳқонлар «полвон трактор» деб аташмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Унга олти қаторли сеялка ва культиватор осиб ишлатиш мумкин. Бу йил менинг ўзим битта шу трактор билан мавжуд 90 гектар еримизга уч кун деганда чигит экиб бўлдим. Бу агрегат ҳар куни 30 гектар майдонга чигит эка олади. Совхозимиз бўйича эса барча майдонларга 6 кун ичида чигит экиб бўлинди. Мана, ғўза парвариши даврида ҳам МТЗ-75 трактори ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатмоқда. Бир йўла олти қаторни юмшатиб кетадиган культиватор билан мен ҳар куни камида 25 гектар майдонни культивация қиляпман.

Кенг қаторлаб экиш терим машиналарининг ҳам юқори унум билан ишлашини таъминлайди. Бригадамизда ўтган йили етиштирилган ялпи ҳосилнинг 98 проценти «зангори кема»лар билан йиғиштириб олинди. Бу йилги аҳолимиз ҳам ана шундай кўрсаткичга эришишдан иборат. Деҳқонларимиз бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтаришга сўз беришган.

Жавод Кўчиев бошлиқ олти азамат деҳқон бу йил ўзининг юксак мажбуриятини албатта бажаради. Буни белга уриб турган, ҳар тупида шигил-шигил шона, гул ва кўсаклар тўпланган бўлиқ ғўзалар шундай айтиб турибди.

«Пахтаорол» совхози — Мирзачўлнинг, биргина Мирзачўлнинг эмас, бутун республикамизнинг, қолаверса бутун мамлакатимизнинг ҳам фахридир. Бу хўжаликда деҳқончилик маданияти энг юксак даражага кўтарилган. Беш йилликнинг биринчи йилида республикамизнинг 3 миллион 750 минг тонналик улкан хирмонига ўзларининг 20 минг тонна пахталари билан ҳисса қўшишга сўз берган бу совхоз меҳнаткашлари шу кеча-кундузда мавжуд 6600 гектар майдоннинг деярли ҳаммасида ғўзани серҳосил қилиб ўстиришяпти. Айниқса Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Нурмуҳамбет Есентоев, Фёдор Александрович Орлов ва бошқа уста деҳқонлар, моҳир ташкилотчилар раҳбарлик қилаётган бўлимларда ғўза парвариши намунали ташкил этилмоқда. Совхознинг қарийб ҳамма майдонларидаги ғўза маҳсус агрегатлар ёрдамида суньий ёмғир ёғдириб суғориляпти. Бу илғор техника областнинг кўпгина хўжаликларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бизнинг областимиз механизаторлари — чакки механизаторлар эмас. Лекин улар «Пахтаорол» совхозининг азамат механизаторларидан ҳар қанча ўрнак олсалар арзийди. Бу совхозда бир механизаторнинг ўзи кузда қайдаги трактор ўтириб ерни шудгор қилади, қишда дала бошларига ўғит ташийди, баҳорда ер текислайди, борона қилади, сўнгра экиш агрегатига ўтириб ерга баракa уруғи қадайди, бутун ёз мобайнида дам чопиқ трактори билан ғўза қатор ораларини культивация қилади, ўсимликни озиқлантиради, дам суньий ёмғир ёғдирувчи агрегатга ўтиб ғўза суғоради, кузда эса «зангори кема» штурвалини бошқариб «оқ олтин» теради. Механизаторлар ана шундай ҳар ишга қодир бўлганликлари учун ҳам совхозда кам куч билан катта-катта майдонларда пахта етиштириляпти.

«Пахтаорол» совхозининг яна бир томони бизнинг ҳавасимизни келтирди. Бу ерда меҳнаткашларга жуда қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир бўлимда ҳашаматли клуб бор. Ичига кирсангиз, ҳавасингиз келади. Бу ерда бадиий ҳаваскорларнинг концертларидан ташқари кенг экранли фильмлар ҳам намойиш қилинади. Шунингдек, ҳар бир бўлимда марказий болалар богчалари ва яслилари бор. Улар шаҳардаги унча-мунча богча ва яслилардан сира қолишмайди. Бизни бир бўлимнинг марказий богчасига олиб киришди. Ичи салқин. Ҳаммаёқ ёт тушса ялагудай озода қилиб қўйилибди. Қатор-қатор жажжи кроватчаларга оппоқ чойшаблар ёзилгиз. Полга қалин гиламлар тўшалган. Кичкинтойларнинг истаган ўйинчоқларини шу ердан топасиз. Ҳовлида карусель дейсизми, учар қайиқ дейсизми, арғимчоқ дейсизми, сирпанчиқ дейсизми... ҳаммаҳаммаси бор.

Кишининг ҳаваси келадиган турар-жойлар, маданий-маиший бинолар биргина «Пахтаорол» совхозида эмас, балки областнинг кўпчилик хўжаликларида, айниқса янгидан ташкил этилган замонавий совхозларда ҳам бор.

Биз область далаларида бўлганимизда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришаётган катта-катта ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлигини аниқладик. Катта-катта майдонларда ғўза туплари сийрак. Ўсимлик ривожланишдан анча орқада қолган. Кўпчилик жойларда ягона сифатсиз ўтказилган, суғориш, культивация, озиқлантириш агротехника талабларига тўла жавоб бермаяпти. Пахта териш машиналарининг ремонти ва кадрлар тайёрлаш суст боряпти. Биз йўл қўйилган ана шундай жиддий камчиликларни тезроқ тугатиш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида Сирдарё областининг пахтакорларига бир қанча маслаҳатлар бердик. Улар «сизларнинг маслаҳатингиз асосида ишимизда бурилиш ясашга, ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштиришга астойдил ҳаракат қиламиз» деб ваъда бериб қолдилар. Ишонамизки, улар бу ваъдаларига албатта вафо қиладидар.

Сирдарё области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг пахтачиликдан бошқа тармоқларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам бизни роят хурсанд қилди. Область ғаллакорлари ва чорвадорлари давлатга турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришга астойдил бел боғлаган Сирдарё областининг меҳнаткашларига, Мирзачўлнинг марди-майдонларига юксалиш йўлида катта муваффақиятлар тилаймиз, республика карвонида уларнинг ҳам олдинги сафларда бўлишларини истаймиз.

Э. ШАЙХОВ — Тошкент область ижроия комитетининг раиси, область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи, Ф. АЛАВУТДИНОВ — область совхозлар трести директорининг ўринбосари, А. СОИБНАЗАРОВ — Оққўрғон район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, П. КАБАЧКОВ — Янгийўл район партия комитетининг иккинчи секретари, Ф. МАДАЛИЕВ — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Т. ОРТИҚХЎЖАЕВ — Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, А. ЭРМАТОВ — Ўрта Чирчиқ районидаги «Поларная звезда» колхозининг механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, М. ЁҚУБОВА — Калинин районидаги «Қорасув» совхози партия комитетининг секретари, Ш. ШОРАҲМЕДОВ — «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ЧОРВА МАҲСУЛОТИ МЎЛ, АРЗОН БЎЛСИН

Орзоникидзе чорвачилиги кенг тараққий этган районлардан бири ҳисобланади. Бу ерда кўплаб илмий ходимлар, тажрибакор зоотехниклар, чорвадорлар бор. Улар жамоат чорвачилигини ривожлантириш, моллар туёғини кўпайтириш ва уларнинг зотини яхшилаш соҳасида қимматли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу ишлар кўп хўжаликларда ижобий натижалар бермоқда. Сут булоғи тобора кўпаймоқда. Гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда янгидан-янги марралар қўлга киритилмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўрсак бўлади. Ўтган йили районда 1960 йилга нисбатан давлатга мол ва парранда гўшти сотиш 30 процентга, сут 59 процентга, тухум эса икки бараварга кўпайди.

Илғор чорвадорларнинг бой тажрибалари кенг оммалаштирилаётган фермаларда иш жуда баракали кетаяпти. Чорвадорларимиз арзон маҳсулот етиштириб, кўплаб даромад олмоқдалар. Буни «Октябрь», Фрунзе номли, «Ленинград» колхозлари мисолида кўриш мумкин. Илгари бу хўжаликлар қолоқ эди. Чорвачиликдан фойда ўрнига нуқул зарар кўрарди. Эндиликда улар қалдиларини ростлаб олдилар. Илғорлар тажрибаси кенг ёйилиши сабабли йилдан-йилга арзон сут етиштирилмоқда. Колхозчиларнинг сутдан олаётган даромадлари кўпаймоқда. Бир центнер сут етиштиришга бор-йўғи 11—15 сўм сарф бўлаётир. Фрунзе номли, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозлари арзон гўшт етиштиришда пешқадамлик қилмоқдалар. Бу ерда бир центнер гўшт етиштиришга 101—111 сўм сарф бўлаяпти.

Лекин айрим хўжаликлар маҳсулот таннархини арзонлаштиришга тегишлича эътибор бераётгани йўқ. Кўпинча бу муҳим масала эътибордан четда қолмоқда. Оқибатда харажатлар кўпайиб, чорва маҳсулоти етиштириш қимматлашяпти.

«Коммунист» колхозида анчадан бери арзон маҳсулот етиштириш ҳақида гап юритилади. Амалда эса бу соҳада кўзга кўринарли иш қилинмаётир. Чорва молларининг боқувчи яхши эмас. Бўрдоқига қўйилган моллар белгиланган оғирликда топширилмайди. Бунинг натижасида ҳар бир центнер гўшт қимматга тушмоқда. Бир центнер сут етиштириш учун эса 21 сўм 5 тийин сарф бўлаётир. «Партия XXII съезди» колхозида ҳам сутнинг таннархи қиммат. «Правда», Жданов номли колхозларда ҳам ана шундай аҳволни кўрасиз.

Район хўжаликларида чорвачиликни тўла механизациялаштиришга жиддий аҳамият йўқ. Кўпгина колхозларда сут соғиш агрегатлари мавжуд. Аммо ундан нима сабабдандир фойдаланилмайди. Агрегатлар занг босиб ётибди. Баъзи хўжаликларда чорва озуқасини кўпайтириш масаласига панжа орасидан қаралмоқда, камчиликлар ўз вақтида тузатилмаяпти.

Яқинда бўлиб ўтган район чорвадорларининг иқтисодий конференциясида ана шу сингари камчиликларнинг рўй бериш сабаблари таҳлил қилинди. Шунингдек илғор колхоз-совхозларнинг чорва маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш соҳасидаги тажрибаларини оммалаштириш вазифаси қўйилди.

Конференцияда сўзга чиққан чорвадорлар ўз хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот таннархини муттасил равишда камайтириб бориш юзасидан қилинаётган ишлар ва бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида батафсил гапирдилар. Аҳолига арзон нархдаги семиз гўшт, сермаҳсул сут етказиб бериш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

ҒАФУР ҒУЛОМ



Ўзбек халқи оғир жудоликка учради. Атоқли ёзувчи, олим ва жамоат арбоби, Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломдан жудо бўлдик.

Ўзининг дилрабо шеърлари, поэмалари, ҳикоялари, қиссалари билан кенг танилган ва улуғ Ватанимизнинг энг узоқ жойларида ва жаҳоннинг кўп мамлакатларида юксак даражада тақдирланган ажойиб ватанпарвар шоир, санъаткор-нотиқнинг кўп қиррали ижодий фаолиятини оғир дард билан кузатиб борган халқимиз 1966 йил 10 июлда шафқатсизлик билан узиб қўйди.

Халқ шоири Ғафур Ғулом 1903 йилда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Меҳнаткаш халқнинг турмуш тажрибаси билан бойиган Ғафур Ғулом Улуғ Октябрь қуйчиси бўлиб, абадий барҳаёт Ленин идеяларининг жарчиси бўлиб, адабиёт майдонига кирди. Ў ўзининг меҳнат фаолиятини босмахонада ҳарф теруvчи бўлиб ишлашдан бошлади. Кейин у бошланғич мактабда муаллимлик қилди, ўша вақтдаёқ унинг зўр шоирлик таланти ниҳол бера бошлаган эди. Унинг дастлабки шеърларида инсоният тарихидаги янги давр — Совет ҳокимияти даври акс эттирилди. Ўша йиллардаёқ Ғафур Ғулом социализм ва коммунизм шоири бўлиб ўсди ва қад кўтарди. У, совет адабиёти хазинасига ҳам ўзининг шу фазилати билан кирди.

Меҳнаткаш халқнинг содиқ фарзанди шоир Ғафур Ғулом социалистик жамият қурувчилари бўлган совет кишиларининг жўшқин, мароқли ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб яшади. У, комсомолнинг жанговар сафларида туриб, биринчи совет мактабларини яратишда қатнашди, комсомол комитетининг секретари, мактаб директори, журналист, «Камбағал деҳқон» газетаси редакциясининг секретари бўлиб ишлади.

Ғафур Ғулом ўзининг таржимаи ҳолида «Ленин комсомоли мени шоир қилиб етиштирди» деган эди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида ҳар кун унинг публицистик мақолалари, жанговар фельетонлари, талантли очерклари, новеллалари, шеърлари газеталарда босилиб турди.

Ғафур Ғуломнинг 1931 йилда босилиб чиққан биринчи шеърлар тўплами «Динамо» адабий ҳаётда катта воқеа бўлди. Ўша вақтдан бошлаб, ҳар йил ажойиб замондошимизнинг китоблари кетмакет нашр қилиниб турди. Унинг овози революцион ишчилар синфининг ва мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларнинг қудратли овози билан ҳамоҳанг бўлиб, янграб турди.

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом—Совет Ўзбекистони адабиётида бутун бир даврдир. У, ўзининг оташин поэзияси билан замондошларимизни ҳамиша баҳраманд қилиб келди. У, ҳақиқатан ҳам чин халқ адиби эди.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида Ғафур Ғулом халқимизнинг ғалабасига ишончи комил бўлиб, чуқур ватанпарварлик асарларини яратди, бу асарлар совет кишиларини фашист босқинчилар билан зафарли жангга даъват қилди.

Урушдан кейинги тинчлик йиллари Ғафур Ғулом ижодида айниқса самарали бўлди. Шоир ўз асарлари билан халқни мамлакат экономикасини тиклашга руҳлантирди ва коммунизм қуришда буюк шижоатлар кўрсатишга чақирди, ватанимиз халқларининг буюк дўстлигини ўзининг азимкор овози билан тараннум қилди, ер юзида тинчлик қуйчиси бўлди.

Шеърият устози бўлган Ғафур Ғулом халққа кенг танилган ҳикоялар ва қиссалар яратиб, ўзбек адабиётига прозанинг чинакам санъаткори ҳам бўлиб кирди.

Ғафур Ғуломда шоирлик, драматурглик таланти ўткир сатирик истеъдоди билан ҳам ажойиб мужассам бўлган эди. У ўзининг кўпгина сатира асарларида феодализм сарқитларини, мешчанликни, обивателликни танқид қилди.

Интернационализм бутун зеҳнига чуқур сингиб кетган Ғафур Ғулом буюк рус классик ва совет поэзияси билан, қардош адабиётларнинг ва жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари билан ўзбек китобхонларини кенг таништирди.

Халқ адабиёти тарихини чуқур билган Ғафур Ғулом ўзбек классик поэзиясининг юксак традицияларини ривожлантирди ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги бўлган ҳолда катта илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, забардаст большевик, йирик жамоат арбоби Ғафур Ғулом совет халқининг чуқур муҳаббатига сазовор бўлди. У, неча марталаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, республика Олий Советининг депутати бўлиб сайланди.

Партия ва ҳукумат Ғафур Ғуломнинг хизматларини юксак даражада тақдирладилар. Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом совет адабиётини ривожлантиришдаги ва коммунистик қурилишдаги катта хизматлари учун иккита Ленин ордени билан, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан ва медаллар билан мукофотланди.

Ғафур Ғулом «Шарқдан келаётирман» деган шеърлар тўплами учун давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ғафур Ғуломнинг илҳомбахш поэзияси совет кишисини нафосат оламига олиб кирди, ўзининг чуқур мазмуни ва латофати билан қувонтириб турди. У, бизга жўшқин шеърий образлардан иборат бутун бир хазинани қолдирди. Унинг поэзияси ўзининг олижаноблиги ва юксак идеаллари билан бизни ҳамиша мафтун қилаверади.

Халқ оммаси орасидан чиққан ўзининг беқиёс таланти билан халққа ва партияга умрининг охиригача виждонан хизмат қилиб келган атоқли замондошимиз ёзувчи Ғафур Ғуломнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ш. Р. РАШИДОВ, Р. Қ. ҚУРБОНОВ, Ё. С. НАСРИДДИНОВА, В. Г. ЛОМОНОСОВ, И. Г. АНИСИМКИН, Н. Г. ЛЯШЧЕНКО, М. М. МУСАХОНОВ, Н. М. МАТЧОНОВ, Р. Н. НИШОНОВ, М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ, С. Р. РАСУЛОВ, М. Т. ТУРСУНОВ, А. С. АБДАЛИН, С. О. АЗИМОВ, Г. А. ГАБРИЭЛЬЯНЦ, С. К. ЗИЕДУЛЛАЕВ, И. В. МАРЦИНЮК, А. Р. ХЎЖАЕВ, Р. С. САХИБОЕВ, Ҳ. А. АСОМОВ, Э. Т. ШАЙХОВ, Қ. А. АҲМЕДОВ, О. С. СОДИҚОВ, З. Р. РАҲИМБОБОЕВА, К. Н. ЯШИН, А. П. ҚАЮМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, В. И. ИУЛДОШЕВ, И. М. МУМИНОВ, Т. А. ҚОРИ-НИЁЗОВ, В. Й. ЗОҲИДОВ, Т. А. САРИМСОҚОВ, А. М. ҚУЧҚОРОВ, ЮНУС РАЖАБИЙ, У. Е. ИБРОҲИМОВ, ЖАББОРОВ, УРОЛ ТАНСИҚБОЕВ, Л. Ф. ФАЙЗИЕВ, Р. А. АҲМЕДОВ, М. АШРАФИЙ, С. ЭШОНТУРАЕВА, ОЛИМ ХЎЖАЕВ, ШУКУР БУРХОНОВ, КОМИЛ ЕРМАТОВ, ОИБЕК, С. П. БОРОДИН, УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, ШАЙХЗОДА, М. И. ШЕВЕРДИН, АБДУЛЛА ҚАҲҲОР, АСҚАД МУХТОР, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, А. УДАЛОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, ВЯЧЕСЛАВ КОСТИРЯ, ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ, РАМЗ БОБОЖОН, ИБРОҲИМ РАҲИМ, ИЗЗАТ СУЛТОНОВ, Ж. ОЙМИРЗАЕВ, В. А. АБДУЛЛАЕВ, БАҲРИ ҒУЛОМОВА, М. Қ. ҚОРИЕВ, В. А. АРХАНГЕЛЬСКИЙ, Ш. НИЕЗОВ, Ғ. НАЖИМОВ, МИРМУҲСИН, ҒАЙРАТИЙ, СОБИР АБДУЛЛА, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

ҒАФУР ҒУЛОМНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

Ўзбекистон пойтахти 11 июлда Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, оташин нотиқ ва ватанпарвар Ғафур Ғулом билан чуқур қайғу ичида видолашди.

Неча миллаб меҳнаткашлар севикли шоир, олим ва давлат арбобига, ўзининг ажойиб асарларида совет кишилари ижодий меҳнатининг улуғворлигини, уларнинг жонажон Коммунистик партия чиниқтириб ўстирган бузилмас дўстлигини мадҳ этган кишига иззат-ҳурматларини баҳо келтириш учун республика Олий Советининг маҳлислар залига келишди. Бу ерда тошкентликлар билан бирга республика шаҳарлари ва қишлоқлари жамоатчилигининг вакиллари ҳам бор эди.

Марҳумнинг жасади қўйилган тобут гуллар билан қопланган. Ҳазин мотам куйлари чалинмоқда. Қайғу-алам сўзлари жуда кўп гулчамбарларнинг лентaларига ёзилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, ижодий союзлар, Ўзбекистон Фанлар академияси, область ва шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотлари, меҳнаткашлар коллективлари ва қардош республикаларнинг адиблари номидан гулчамбарлар қўйилган. Духоба ёстиқчаларга ҳукуматнинг кўп орден, медаллари тизиб қўйилган. Ватанимиз ўз содиқ фарзандининг хизматларини ана шу орден ва медаллар билан тақдирлаган эди.

Тобут ёнида Ғафур Ғуломнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари, унинг жуда кўп дўстлари ва сафдошлари бор эди. Фахрий қоровул ўзгариб туради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, республика ҳукуматининг раҳбарлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, дафн қилишни ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари, фан, адабиёт ва санъатнинг атоқли арбоблари, кекса большевиклар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, жамоатчилик вакиллари фахрий қоровулда турадилар. Ўзбекистон шоирлари устоз хотирасига бағишланган ўз шеърларини Ғафур Ғуломнинг шеърларини ўқийдилар.

Мотам митинги бошланади. Дафн этишни ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов митингни очади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлайди. Ш. Р. Рашидов Ғафур Ғуломни коммуизм куйчиси, янги ҳаёт куйчиси деб атайди ва унинг Совет Ўзбекистони адабиётини, кўп миллатли бутун маданиятимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлигини таъкидлайди. Ғафур Ғулом ўзининг бутун ҳаётини, зўр истеъдодини халқ хизматига бағишлади. Унинг ижоди чуқур халқчил ижод бўлиб, улуғ Ленин идеяларининг тўла тантанаси билан абадий сугорилгандир. Ғафур Ғуломнинг бутун фаолиятини республиканинг тараққиёти тарихидан сира ажратиш мумкин эмас. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ғафур Ғуломнинг нуроний сиймосини ўз қалбларида абадий сақлайдилар.

Республика Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов микрофон олдига келади. Биз унутилмас дўстимиз Ғафур Ғулом сиймосида, — дейди у, — атоқли шоирдангина эмас, балки йирик олимдан ҳам жудо бўлдик. Ғафур Ғуломнинг адабиётшунослик, ўзбек адабиёти тарихига доир асарлари қимматбаҳо асарлардир.

Атоқли қозоқ ёзувчиси Собит Муқоновга сўз берилади. У, Ғафур Ғуломнинг вафоти муносабати билан қардош Қозоғистон меҳнаткашлари номидан ўзбек халқига чуқур таъзия билдиради. Ўзбекистоннинг халқ шоири Ғафур Ғулом Ватанимизнинг ҳамма қисмида миллионларча кишиларнинг муҳаббати ва самимий иззат-ҳурматига сазовор бўлган эди. Унинг ажойиб асарлари мамлакатимиздаги кўп халқларнинг тилларида жаранглamoқда. Бу асарлар ҳар бир совет кишисига яқин ва азиздир.

Катта Фарғона канали бошқармасининг бошлиғи Бузрукхўжа Усмонхўжаев митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб гапиради.

— Бизнинг Ғафур Ғулом,— дейди республиканинг энг кекса ирригатори, — ҳамиша халқ орасида бўлар эди. Унинг буюк заҳматкаш — совет кишисига бағишлаган тўлқинлантирувчи шеърлари республика бўйлаб сафарга чиққан вақтида эмас, балки заводларнинг цехларида, пахта майдонларида ва ирригация иншоотларида ёзилган эди.

Ўзбекистон ишчилар синфи кекса авлодининг вакили, 1919 йилдан бери КПСС аъзоси, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг ишчиси Р. Я. Игольников сўз олади. У, Ғафур Ғуломни халқлар қардошлиги ва дўстлиги ленинча идеяларининг жўшқин пропагандисти, чинакам интернационалист шоир деб атайди. Ғафур Ғуломнинг асарлари меҳнаткашларни социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга илҳомлантиргани ҳақида гапиради.

Унинг Улуғ Ватан уруши йилларида ёзган шеърлари жанговар чақириқ бўлиб Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида қаҳрамонлик зафарларига чорлар эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин ўз нутқида Ғафур Ғуломнинг номи ўзбек адабиётининг шонли йилномасига олтин ҳарфлар билан ёзилди, деб таъкидлайди.

Митинг тамом бўлди. Мотам маросими Чигатой қабристонига қараб йўл олади.

(ЎзТАГ).



Ғафур Ғулом шеърият мухлислари орасида.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ғафур Ғулом 1966 йил 10 июлда вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қиладилар:**

С. О. Азимов (раис), Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, О. С. Содиқов, К. Н. Яшин, Р. С. Сахибоев, З. Р. Раҳимбобоева, Ҳ. А. Асомов ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

ИНДИРА ГАНДИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ТАШРИФИ

12 июлда Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Индира Ганди расмий визит билан Совет Иттифоқига келади. Индира Гандининг номи совет кишиларига яхши маълум. Индира Гандининг отаси Жавоҳарлал Неру каби унинг ҳам бутун ҳаёти Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш билан боғланган. Ёшлик чоғида у ўша вақтда Ҳиндистонни бошқариб турган инглиз империалистларининг репрессияларига бир неча марта учраган. Индира Ганди Ҳиндистон миллий конгресс партияси раҳбар органларининг ишида актив қатнашиб келди. 1966 йилнинг январида Ҳиндистон миллий конгресс партияси уни Ҳиндистон Бош министри лавозимига кўтарди.

Бош министрлик лавозимида Индира Ганди ўз отаси белгилаб берган ички ва ташқи сиёсат йўлидан боришга интилмоқда. Ҳиндистон мустақил ташқи сиёсат ўтказиб келмоқда. У, Американинг Ҳиндистонни турли агрессив сиёсатларга тортиш мақсадида бир неча марталаб қилган уринишларини қатъиян рад қилди. Ҳиндистон Африка ва Осиё халқларининг империализмга қарши курашини қўллаб-қувватламоқда. АҚШнинг Вьетнамдаги қуролли интервенциясини қораламоқда. Индира Ганди 7 июлда бундай деди: «Вьетнам бомбардимон қилинаётганлиги сабабли, Совет Иттифоқи чуқур ҳаяжонланаётганлигига биз ҳам қўшиламиз. Биз ҳам Вьетнам халқининг чексиз ботирлиги ва бардамлигига қойил қолмоқдамиз».

Кейинги 16 йил мобайнида СССР билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик муносабатлари вужудга келди ва мустаҳкамланди. Совет Иттифоқи каби Ҳиндистон ҳам турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини ёқлаб чиқмоқда. Иқтисодий соҳада Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланмоқда. Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг мамлакатни индустриаллаштириш планларига кўмаклашмоқда. Дўстлигимиз рамзи бўлиб қолган Бхилай металлургия заводини ҳозирги кунда билмайдиган киши йўқ. Совет кишиларининг ёрдами билан Ҳиндистонда Мадрас ёқилғи электр-станцияси қурилди ва унга «Ҳиндистон жанубининг чироқлари», деб ном берилди. Шунингдек, Ҳиндистонда совет кишиларининг ёрдами билан Ранчидаги (Бихар штати) оғир машинасозлик заводи қурилди. Ражастханда Суратгарх қишлоқ хўжалик фермаси ташкил қилинди ва бошқа кўпгина объектлар қурилмоқда. Совет Иттифоқининг иштироки билан Бокарода йилига 4 миллион тонна маҳсулот берадиган металлургия заводи қуриш мўлжалланган. Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг ўз нефть саноатини яратишига ҳам ёрдам берди.

Икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳиндистон Совет Иттифоқига жут, ип-газлама ва жун маҳсулотлари, чой, пойафзал ва бошқа бир қанча молларни етказиб бермоқда. Ҳиндистон Совет Иттифоқидан, аввало, машиналар, станоклар, трактор-лар, ва бошқа молларни сотиб олмоқда. 1966—1970 йилларга мўлжалланган Совет-Ҳиндистон узоқ муддатли битими имзоланганлиги ҳар икки мамлакат ўртасидаги товар оборотини ҳажмини 1964 йилда эришилган даражага нисбатан қариб икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

СССР билан Ҳиндистоннинг 1966—1967 йилларга мўлжалланган ва шу йил 12 майда имзоланган маданий ҳамкорлигининг янги программаси, санъат, маданият, маориф, фан, технология, соғлиқни сақлаш, радио, кино ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни ўз ичига олади.

Совет кишилари Ҳиндистон ҳукумати бошлиғи Индира Гандининг мамлакатимизга келиши Ҳиндистон-Совет дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид билдирадилар.

Н. МАРКОВ
(ТАСС).

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида кўп миллатли совет халқининг фарзандлари билан бирга чет мамлакатлардан келган йигит-қизлар ҳам билим олишмоқда. Улар орасида Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Латин Америкаси ва Африкадан келган ёшларни учратиш мумкин.

Вьетнам Демократик Республикасидан келган 47 йигит-қиз тўрт йилдан бери университетнинг механика-математика факультетида таълим оляпти. Бу ёшлар баланд тоғлардан, тўлқинли денгизлардан ошиб бу ерга келар эканлар, уларнинг бирдан-бир мақсади ўз Ватанларига малакали мутахассис бўлиб боришдир.

Университет комсомол комитети чет эллик студентларга шароит туғдириш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширди. Бу эса яхши натижалар берди. Уларнинг аксарияти ҳозир аъло ва яхши баҳолар олиб ўқимоқдалар. Нгуён Тхе Тан, Хоанг Ван Тао, Нгуен Суан Нгиетларнинг имтиҳон дафтарчасида фақат аъло баҳоларни кўрасиз.

Илм даргоҳининг студентлари бир оила фарзандларидек жуда аҳил яшашади. Вали Қаҳҳоров, Валерий Соломов, Анатолий Слепнев, Озод Исломов каби студентлар вьетнамлик ёшлар билан бирга лекциялар тинглашади ва бирга дарс тайёрлашади.

— Енингда дўстинг бўлса, йўлларинг ҳамиша чароғон бўлади, дегани ҳақ гап,—дейди студент Као Фионг. — Бўш вақтларимизни ҳам, дам олиш соатларимизни ҳам бирга ўтказамиз. Футбол командамиз университетнинг факультетлари билан ўзаро мусобақалашиб туради. Деворий газеталар чиқарамиз.

Дўст Вьетнамдан келган бу ёшлар Совет Ўзбекистонида ана шундай қувноқ яшамоқдалар ва билим олмоқдалар. Улар олий маълумотли мутахассис бўлиб етишишдек буюк касбни инсонпарвар советлар мамлакатида эгаллаётганликларидан бениҳоя хурсандирлар.

А. ИСОҚОВ.

ЁШ ОЛИМ

Атоқли ўзбек кимёгар олими Собир Юнусов ўзининг илмий фаолияти давомида кўпгина шогирдлар тайёрлади. Ана шулардан бири ёш олим Қ. Лутфуллиндир.

Бу ёш олим яқинда химия фанининг актуал темаси бўйича кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Унинг олиб борган тадқиқотига икки хил ўсимлик алкалоидини ўрганиш объект қилиб олинган эди. У бу темада самарали изланиш ишлари олиб борди. Таркитрум флавум ўсимлиги алкалоидини тадқиқ этди. Шунингдек, иккинчи хил ўсимликдан икки хил алкалоид ажратиб олиш мумкинлигини исботлади.

Алкалоидлардан фойдали дорилармонлар олиш мумкин. Бу препаратлар эса, кишиларнинг асаб ва руҳий касалликларини даволашда қўлланилади. Шунинг учун ҳам янги препаратлар нолгусида медицина практикасида кенг қўлланилиши турган гап.

Р. РУЗИЕВА.

ЯНА БИР ГИШТ ЗАВОДИ

Чирчиқда яна бир йирик корхона-ғишт заводи қурилиши бошлаб юборилди. Унинг ишлаб чиқариш қуввати мавжуд корхона қувватидан беш баравар ортиқ бўлади.

Янги завод энг янги асбоб-ускуналар, юк ортувчи механизм ва машиналар билан тўла жиҳозланади. Ишланган ғиштнинг аксарият қисми Тошкент қурилишлари учун юборилади. Айни вақтда эски ғишт заводининг қурилиш цехи реконструкция қилинади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

МЕҲР УЧҚУНЛАРИ

Воронеждан, Совет Армияси сафида хизмат қилаётган сержант Файзулла Зиёдуллаевдан редакцияга хат келди. Ҳамшаҳар посбон йигитимиз Тошкент зилзиласидан ташвишланиб жонажон шаҳримиз ҳақида юрак сўзларини шеър билан битиб юборибди.

Азиз шаҳрим сенда жароҳат изи,
Ҳуснингга доғ солмиш зилзила бироз,
Тошкентим, сен Шарқнинг порлоқ юлдузи,
Ҳаёлан бағрингга қиламан парвоз.
Бугун ҳам тонг билан уйғондим чўчиб,
Қанотли ўйларим ортидан чопдим,
Ҳаёлан Тошкентим, сен томон учиб,
Бардошли бағрингдан меҳримни топдим.
Бугун хиёбонда кезмадим мағрур,
Бугун гул боғингда олмадим нафас,
Мен сенинг фарзандинг, орзуларим мўл,
Шаҳрим, бунёдкорлар бўлаолсам бас!
Миллионлар сафида, қурувчиг мен ҳам,
Бўласан янада гўзал ва кўркам!

Солдат юрагидан отилиб чиққан бу ажойиб сатрлар ҳудди баҳор шабадаларига ўхшайди. Унинг нафаси дилга таскин берувчи мусаффо тонг ҳавосидай фараҳбахшдир. Солдат ҳарбий хизматни ўтаб бўлганидан кейин Тошкентга бинокор бўлиб келишни орзу қиладн, миллионлар сафидан жой олиб, янги Тошкентни тезроқ бунёд этиш орзуси билан яшайди. Бундай фарзандлар билан ҳар қандай она фаҳрланса арзийди. Бундай фарзандлар она-Ватан қудратига-қудрат, ҳуснига-ҳусн қўшадилар, албатта!

Тошкент меҳри бепоён мамлакатимизнинг ҳамма халқлари дилига жо бўлган. Буюк эламизда Тошкент тақдири, унинг истиқболи билан ҳамнафас бўлмаган бирор кишини топиш қийин бугун.

Тошкентга зилзила муносабати билан бардошли ҳамшаҳарларимизга ҳамдард бўлиб ёзилган хат-хабарлар яқин-йироқлардан узлуксиз келиб турибди. Бугун қардош Тожикистон ССР нинг Нов районидан хат келди. Хатни кенса пенсионер ҳаваскор қаламкаш Абдусаид Турсунов шеър билан ёзиб юборибди. Шеър илиқ самимий, образли иборалар билан ёзилган. Уни тўлқинланиб ўқидик. Шеър қуйидаги мисралар билан тугайди.

Зилзила сўнгай, ўрни тинч, дил нушо албат бўлур,
Эски уйлар ўрнига янги бино албат бўлур.
Партия меҳрибон, Тошкент янгича албат бўлур.
Янги ҳусн, янги ҳаёт, жило албат бўлур,
Эй азиз тошкентлик дўстлар яшнар гўзал шаҳрингиз.

Дўст бошига ташвиш тушганда дўст албатта ҳамдард бўлади ва ёрдам қўлини чўзади. Бугун Тошкент маркази кенг қурилиш майдонига айланган. Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи ва Закавказье республикаларининг бинокорлари Тошкент қурувчилари билан қўлни-қўлга бериб, янги Тошкентни бунёд этмоқдалар. Тошкент қурилишига ҳарбий бинокорлар ва каниқулга чиққан студентлар келмоқдалар, кўп жойларда отпуска вақтини Тошкент қурилишида ўтказишга аҳд қилган мардлар келмоқдалар.

Тошкентга қўли гул пахтакорлар билан бирга соф-саноқсиз илиқ мактублар келиб турипти. Шунингдек, Тошкентнинг ҳуснига ҳусн қўшиш учун фидокорона меҳнат қилаётган, юртларида таълим олаётганлар ҳам, кексайиб пенсияга чиққан қариялар ҳам она шаҳримиз ҳақида ўз юрак сўзларини ёзиб юбормоқдалар.

Тошкентда таълим олаётган студент Баҳридин Мамасолиев янги Тошкентни бунёд этишга келаётган бинокорларни табриклаб шундай ёзади.

Атрофдан келмоқда нўп қадрдонинг,
Йўлга сиғмай турар карвонинг,
Аввалгидан зиёд бўлар иқболинг,
Осмон билан ўпишар кўркинг.

Бу мисраларда поэтик қоидаларга эътибор берилмаган бўлсада, уларда автор қалбининг жўшқин ҳаворати ёрқин жилоланиб турибди. Ёш қаламкаш жонажон Тошкентимиз дўстларимиз кўмаги билан ўз кўркини ўзгартиришини, унинг мамлакатимизнинг энг кўркам ва обод шаҳарларидан бирига айланишини тараннум этади.

Хатлар оқими дўстлар қалбининг меҳр дарёсидир. Бу меҳр дарёси самимий мисраларда, оташин ибораларда сайқал топиб, мардона шаҳарга йўл олмоқда. Биз юқорида ана шундай хатлардан айримларини мисолга келтириб ўтдик. Бу хатлар зилзила ҳамон тинмай турган Тошкентда яшаб, унинг оқибатларини тугатиш ва янги Тошкентни бунёд этиш учун бел боғлаган ҳамшаҳарларимизга қаратилган юрак сўзлари — меҳр учқунларидир.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

ИНСОН — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА!

(Боши 2-бетда).

Қардош республикалардан 8 минг кишидан ортиқ қурилиш поездлари коллективлари келди. Улар ҳозирги вақтда янги уй-жойларни қуришга киришдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, шаҳардаги район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, комиссияларнинг аъзолари, активлар, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг ёрдамига таяниб, ўтган икки ой ичида зилзила оқибатларини тугатиш соҳасида кўп иш қилдилар.

Район, шаҳар, область комиссияларининг ишида коммунистлар ва партиясизлардан иборат минг-мингдаб активлар қатнашмоқдалар. Ишлар ва аввало, уларнинг илғор қисми бўлган комсомоллар бебаҳо катта ёрдам бермоқдалар. Министрликлар, бошқармал а р, шунингдек Иттифоқ ташкилотларига қарашли бўлган ташкилотлар ва корхоналар, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Аммо шунга қарамай, қийинчиликлар, ҳал этилмаган масалалар ҳали кўп. Ўттиз бир мингдан ортиқ оила уй-жойлар билан таъминланди. Булардан 4.943 оила янги уйларга, 7.545 оила ётоқхоналар ва жамоат биноларига, 8.006 оила бошқа кишиларнинг хонадонига кўчирилди. 2.462 оила бошқа шаҳарларга кўчиб кетди ва 5.658 оила ремонт қилинган квартираларга жойлаштирилди. Лекин шунга қарамай, бошпанасиз қолган кишиларни кўчириб жойлаштириш масаласи жуда кескин масала бўлиб қолмоқда.

Асосий вазифа — КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг бошпанасиз қолган ҳамма кишиларни совуқ тушганига қадар уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги қарорини ҳар қандай шароитда бўлса ҳам бажаришдан иборат.

Шуни назарда тутиш керакки, бу йил ҳамма оилаларни янги уйлардаги квартиралар билан тўлиқ таъминлаш имконияти йўқ, аммо совуқ тушганига қадар ҳамма уй-жойли бўлиши керак. Қишни ўтказиб олиш учун бу масала хонадонларга кўчириб жойлаштириш, ётоқхоналар, идоралар ва бошқа биноларга вақтинча жойлаштириш йўли билан ҳал этилади.

Одамларни кўчириб жойлаштириш учун шаҳарнинг барча имкониятларини яна бир марта пухта ҳисоблаб чиқиш, уй-жой майдонларининг қўшимча резервларини қидириб топиш зарур. Яшаш учун мослаштирилиши мумкин бўлган иморатлар ва биноларнинг ҳаммасини тезликда жиҳозлаш керак. Республика ҳукуматининг 3—4 хонали квартираларга одамларни вақтинча зичроқ қилиб жойлаштириш тўғрисидаги қарори сўзсиз бажарилиши лозим.

Ана шу чораларнинг кўрилишига қарамай, Тошкентда бошпанасиз қолган кишиларнинг ҳаммасини бу йил тўлиқ жойлаштириш иложи бўлмаса керак. Шу сабабли шаҳар аҳолисининг бир қисми бошқа шаҳарларда уй-жой билан таъминланади. Қардош иттифоқдош республикалар ўз шаҳарларни ва районларида тошкентликларнинг 6.400 оиласи учун шинам квартиралар ажратиб беришга розн бўлдилар, шунингдек республикамиздаги областлар ҳам 10.000 оилани қабул қилиб олиб, уй-жой ва иш билан таъминлашга тайёр эканликларини билдирдилар. Биз уларнинг бу ҳимматини мамнуният билан қабул қиламиз.

Кўчириб жойлаштириш масалалари юзасидан кенг кўламда тушунтириш ишларини уюштириш ва кўчириб жойлаштиришни мумкин қадар тезроқ амалга ошириш керак.

Уй-жой қурилиши суръатлари бизни асло қаноатлантиролмайди. Қурилиш суръатларини анча тезлатиш керак. Кўпгина қурилиш ташкилотлари шу вақтгача зарур миқдордаги ишчи кучларига эга эмаслар. Партия ташкилотлари, совет ва касаба союз органлари, аввало, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети шаҳарнинг меҳнат ресурсларн ҳисобига қурилиш ва ремонт трестларини доимий кадрлар билан таъминлашда «Главташкентстрой»га ёрдам беришлари керак. Комсомол бу соҳада кўп иш қила олади ва қилиши керак.

Тошкентни барпо этишга қатнашиш — фахрли ишдир. Корхона ва муассасаларнинг партия ва жамоат ташкилотлари ўзларининг энг яхши кишиларини, бинокорларни, моҳир усталарни, қурилиш трестлари ва бошқармаларига юборишлари лозим.

Тиклаш ва ремонт ишлари суръатларини кескин суръатда ошириш зарур. Ҳозир ҳар куни ремонт қилинган 200—250 квартира фойдаланиш учун топширилмоқда. Бу сира ҳам кифоя эмас. Уй-жойлар ремонтини куз фаслигача тамомлаш учун ремонт суръатларини икки баравар оширишнинг барча имкониятлари мавжуддир. Министрликлар, бошқармалар, корхоналар ва ташкилотлар уй-жойларни ремонт қилиш ишлари билан ғоят жиддий шуғулланишлари лозим. «Узглавбит» ваъдадан ишга ўтиши керак. «Узглавбит» гражданларга қарашли уйларни қуриб бериш ва ремонтдан чиқаришда ёрдам бериш учун шу вақтгача жуда кам иш қилди.

Бутун мамлакат Тошкентга ёрдам бермоқда. Совет Иттифокининг ҳамма қисмидан бинокорлар Ўзбекистон пойтахтига келишди. Улар биз билан биргаликда ер остидаги силкинишларга ҳам, жазирама иссиққа ҳам, барча қийинчилик ва машаққатларга ҳам бардош бермоқдалар. Тошкентни тиклаш умумхалқ иши бўлиб қолди. Тошкентда яшовчи ҳар бир киши ўзининг жонажон шаҳрини барпо этишга меҳнат ҳиссасини қўшмоғи, ремонт ва тиклаш ишларида бевосита қатнашмоғи керак.

Тошкентда зилзила оқибатларини тугатиш давлат нуқтаи назаридан ғоят муҳим ишдир. Барча партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, барча меҳнаткашлар бу ишда сидқидил билан актив иштирок қилишлари керак.

Жаҳон янгиликлари

ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ — КЕНГАШ МАҚСАДИ

ВАРШАВА, (ТАСС). Польшада чиқадиган «Жолнеж вольности» газетаси Бухарест кенгашининг якунларини шарҳлаб қуйидагиларни ёзади: «Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарест кенгашида қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамиятини мумкин қадар тезроқ тушуниб олишларидан бутун дунё манфаатдордир, деб уқтириб ўтади.

ПАП агентлигининг хабар беришича, кенгашнинг ҳужжатлари Польшадаги ҳамма газеталарнинг кўзга яққол ташланадиган ўринларида босиб чиқарилмоқда.

АҚШ АВИАЦИЯСИНИНГ ТАЛАФОТЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси осмонидан америкаиинг тўртта самолёти уриб туширилди. бир неча учувчи асир қилиб олинди. Ханой тепасида «Ер-осмон» типидаги ракета билан АҚШнинг учувчисиз разведка самолёти уриб туширилди. Вьетнам информация агентлигининг хабар беришига кўра, шу билан АҚШ авиацияси ВДР тепасида ўзининг 21 та учувчисиз самолётидан маҳрум бўлган.

Вьетнам халқ армиясининг жангчилари 7 июль куни, илгари хабар берилганидек, душманнинг олтита самолётини эмас, балки 10 та самолётини уриб туширганлар. Шу тариқа Америка авиацияси ВДР устида 1182 та самолётини бой берган.

АЭРОДРОМ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг жангчилари Кантҳо вилоятидаги Америка аэродромини миномётлардан ўққа тутдилар. ВИА агентлигининг хабар беришича, Америка ҳарбий хизматчиларидан кўп киши ўлдирилган ва яраДор қилинган. Миналар Америка ва Сайгон армияларининг вертолетлари жойлашган районда портлаб турган.

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Лаос озодлик армияси ва партизан отрядлари шу йилнинг май ва июнь ойларида душманнинг 1.154 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.

Вьетнам информация агентлиги «Патет-Лао овози» радиостанциясининг ахборотига асосланиб, шу тўғрисида хабар берди.

Қудуқларни заҳарламоқдалар

ХАНОЙ, (ТАСС). Америка агрессорлари ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқлари ичимли сув манбаларини заҳарламоқдалар. Вьетнам информация агентлигининг «Озодлик» агентлиги хабарига асосланиб билдирилишича, Сайгон режимининг диверсантлари ва жосуслари апрель ойида Бариа вилоятининг озод қилинган районларида кўп қудуқларни мардумуш билан заҳарлаганлар, 50 дан ортиқ киши заҳарланган, улардан 22 киши ҳалок бўлган.

Жанубий Вьетнам медицина ходимлари баёнот эълон қилдилар. Улар бу баёнотда Америка ҳарбийлари ва Сайгон қўғирчоқларининг ана шу ёвузликларини қаттиқ қоралайдилар. Улар Вьетнамдаги ва чет эллардаги барча медицина ходимлари ҳамда илмий ходимларни АҚШнинг жиноятларини қоралашга, Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушни тўхтатишни ва бу мамлакатдан барча қўшинларни олиб чиқиб кетишни талаб қилишга чақирдилар.

ВЬЕТНАМДА АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

МЕДИКЛАР ОВОЗИ

Тошкент медицина институтининг кўп минг кишилик коллективи Америка империалистларининг Вьетнамдаги ҳарбий интервенцияни кенгайтириш йўлидаги уринишларига қарши ғазаб билан норозилик билдирдилар.

Бу ерда бўлиб ўтган митингда доцент К. Ш. Зайнуллин сўз олиб, бундай деди:

— Америка ҳарбийлари халқаро ҳуқуқнинг ҳамма нормаларини сурбетлик билан оёқ остн қилмоқда. Бу ҳарбийлар, деди у, Вьетнам диёрини қора қонга бўямоқдалар, тинч шаҳар ва қишлоқларга ажал келтирувчи бомбалар ёғдирмоқдалар, ҳатто гитлерчи каллакесарлар ҳам қўлланишга ботина олмаган заҳарли газларни ишга солмоқдалар. Энг инсонпарвар касб соҳиблари бўлган биз, врачлар Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг жинояткорона ҳаракатларидан бениҳоя ғазабга келдик ва: «Вьетнамдан қўлингни торт!»— деб қатъиян талаб қиламиз.

Биринчи терапевтика клиникасининг бўлим мудири М. Қ. Қосимов минбарга чиқади:

— Америка империализмининг вақшнёна башарасини ҳозир бутун дунё кўриб турибди деди у. Агрессорни жиловламоқ, унн жафокаш Вьетнам диёрида қон тўкишни тўхтатишга мажбур этмоқ учун ҳамма чораларни кўриш ҳар бир софдил кишининг муқаддас бурчидир.

Медицина ҳамшираси Н. А. Бузулук Америка империалистларининг ирвогарлик снёсатини қаттиқ қоралади.

Митинг қатнашчилари резолюция қабул қилиб, Америка авиацияснинг Вьетнам Демократик Республикаси шаҳарларига яна ҳужум қилганлиги муносабати билан Совет ҳукумати чиқарган баёнотнн маъқулладнлар, Жанубий Вьетнам территориясидан АҚШ қўшинларининг дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар. (ЎзТАГ).

БОСҚИНЧИЛАРГА ЛАЪНАТ

ОРЖОНИКИДЗЕ. (ЎзТАГ). Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият саройида Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши кўп кишилик норозилик митинги бўлиб ўтди. Бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров деҳқонларнинг кўнглидаги гапларни айтди:

— Америка империалистларининг яна қонли ёвузлик қилганлигини эшитиб, бутун жаҳон дарғазаб бўлди, — деди у. Ҳаддидан ошган агрессорлар шуни билиб қўйсинларки, мард Вьетнам халқининг иродасини синдириш уларнинг қўлидан келмайди. Вьетнамлик қардошларимиз озодлик учун олиб бораётган адолатли курашда совет кишилари уларга зарур ёрдамни кўрсатиб келди ва бундан буён ҳам кўрсатаверадилар. Ўзларининг интернационал бурчларини огиимай бажарадилар. Биз америкалик қароқчиларга айтамизки, ўт билан ўйнашманг! Вьетнам диёридан жўнанг!

Колхозчилардан Мавжуда Насриддинова, Қаюм Ўрсолиев, Муродхўжа Иноғомов ва митингда қатнашган бошқа кишилар бу талабни қизғин қўллаб-қувватладилар.

ЎТ БИЛАН УЙНАШМАНГИЗ, ЖАНОБЛАР

Тошкент экскаватор заводи ишчи ва хизматчиларининг митингида якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади: биз жонажон ҳукуматимизнинг баёнотини астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Бу баёнот Вьетнамда ажал уругини сочаётган қутурган Америка агрессорларини жиддий огоҳлантиради. Биз Вьетнам ватанпарварларининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги кураши билан астойдил бирдам эканлигимизни билдирамиз.

— Бирга ишлаётган барча ўртоқларим каби мен ҳам, — деди ўз нутқида слесарь Э. Ҳакимуллин, — Вьетнам Демократик Республикаси территориясининг ваҳшнёна бомбардимон қилинишини тўхтатнигиз, ўз қўшинларингизни бутун Хиндихитойдан дарҳол олиб чиқиб кетингиз, деб АҚШ ҳукуматидан қатъий талаб қиламан. Океаннинг нариги ёгидаги жаноблар, ўт билан ўйнашмангиз. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

АЛЛО, НИКОЛАЙ МОРОЗОВ ГАПИРАДИ...

АПН мухбири Александр Марьямов СССР футболчиларининг терма командаси Швециядан Англияга учиб кетиши олдидан телефон орқали Ҳиндос билан боғланди. Совет футболчиларининг қитъадаги сўнгги штаб квартираси шу ерда эди. Телефонга терма командаининг старший тренери Николай Морозов келди. Қуйида мухбир билан Николай Морозов ўртасидаги савол-жавоб тексти берилади.

— Совет командасининг Швециядаги машқи қандай ўтмоқда?

— Ҳозирча биз Швецияда учта матч ўтказдик. Икки марта биринчи состав ва бир марта иккинчи состав билан «Варберг Бойз» командасига қарши ўйнадик. Скандинавияда бўлишимизнинг машқ характерида эканлигини ҳисобга олганимизда барча ўйинлар бизни тўла қаноатлантирди. Англияга кетишдан олдин жуда оғир синовдан ўтамиз. Сўнгги учрашувда Гётеборг терма командаси рақибимиз бўлади. Бу команда Швеция терма командасининг марказий ҳужумчи Симонссон бошчилигидаги тўртта ўйинчиси билан кучайтирилади.

— Овозингизга қараганда, кайфиятингиз яхшига ўхшайди?

— Кайфиятим аъло даражада. Фақат мени эмас, барча йигитларники ҳам шундай. Бу ерда қўшлн кунлар бўлаяпти. Машқ қилиш учун шароитлар керагидан ҳам зиёда, рақибларимиз етарли даражада кучли, шиддатли ўйнашади, лекин қўпол эмас. Биз Швецияда Лондон чемпионатида қатнашиш учун берилган заявкага киритилган барча футболчиларнинг ўйинини кўздан кечирдик. Шуни айтишим мумкинки, мени виждон азоби қийнамаяпти: йигитлар яхши ўйнашмоқда, уларнинг ҳаракатида енгиллик, ишонч сингари жуда муҳим хусусиятлар пайдо бўлди. Терма командамиз сўнгги вақтларда мамлакатда ва чет эл ўтказган контроль ўйинларида бу хусусиятлар етишмаган эди.

— Терма командага янги қўшилганлар — Корнеев, Островский, Паркуян қандай ўйнашяпти?

— Ҳаммадан ҳам кўпроқ Паркуян ҳақида шубҳаланаётган эдик. Аммо Швециядаги ўйинларда ўзини яхши томондан кўрсатди. Ёш киевлик футболчи терма командада ўз ўрнини топди. Жисмоний тайёргарлиги жуда салмоқли. Ғайрат билан ўйнаш, тиришқоқлик ва гол бўлишини аниқ ҳис қилиш ундаги асосий хусусиятлардир. Ишончим комилки. Англияда Паркуян қўшинча запас ўйинчилар ҳисобида бўлмайди.

Островский ва айниқса Корнеевнинг терма командада ўйнашга ўрганиши ғалатироқ туюлса ҳам, узоқроқ ва қийинроқ бўлди. Фақатгина «Варбергли болалар» командаси билан бўлган матчда биз илгариги, деярли ўтиб бўлмас Корнеевни. довюрак ва тезкор Островскийни кўрдик. Шунга ишоним мумкинки, бу қўп тажрибали ҳимоячилар клубларидаги ўз формаларини қатъий ва узоққа етадиган қилиб тиклаб олдилар.

— Слава Метревели олган жароҳат ишқибозларни ташвишга солмоқда.

— Уларни тинчитишим мумкин: Слава соғаймоқда ва икки-уч кундан кейин тўла куч билан машқ қилишга киришади. Унинг оёғи сал жароҳатланган эди.

— Бошқа футболчиларнинг саломатлиги қалай?

— Анзор Кавазашвили бироз бетоб бўлиб олди. Унда бу бўлиши мумкин, Жанубли эмасми? Ҳатто Скандинавиядаги энг серқуёш об-ҳаво ҳам унга совуқдай туюлди. Анзорнинг Швециядаги шамоллаши мени хатто хурсанд ҳам қилмоқда: Лондонга боргунча унда иммунитет ҳосил бўлади.

— Швецияда сизнинг ҳимоя линиясининг энг яхши варнантини қидириб топиш бўйича ишларингиз тугалланиши лозим эди. Тўртгала ҳимоячининг ҳаммаси аниқданганлиги ҳақида гапириб бера оласизми?

— Муртаз Хурцилава Шестернев билан ёнма-ён турнб ўйнаса керак. Ҳозир у жуда қойил ўйнаяпти. Сизга кичик бир сирни айтиб беришим мумкин. Иккинчи ўйиндан сўнг мен Шестернев билан гаплашдим. У сўнгги ярим йил ичида биринчи марта команда дарвозаси олдида ўзини хотиржам ва енгил сезганлигини айтди. Муртаз командамиз капитанининг барча ҳийлаларини жуда яхши пайқаб, қанот ҳимоясига доим ёрдамга келди, штраф майдонини тўпдан ўз вақтида тозалаб турди. Биз минбардан буни жуда яхши кўриб турдик.

Пономарев, Шестернев, Хурцилава, Данилов — шулар асосий ҳимоя линиясини ташкил этишади.

— Демак, бошқа номзодлар номзод бўлиб қолаверар экан-да?

— Сиз тўртта ҳимоячини айтишни сўрадингиз. Мен уларни айтдим. Шуни қўшишим мумкинки, бирорта ҳам футболчи Англияга турист бўлиб бормайди.

— Воронин қандай?

— Нима бу, ҳаммангиз келишиб олгандингиз — ҳадеб Воронин, Воронин деяверасизлар. Воронин бир-икки ўйинни сал ишончсизроқ ўтказишн билан бутун матбуот жом чалди. Ҳозир мен бизнинг энг яхши хавбекимиз ҳақида ёмон сўз айтолмайман. У ҳамма ўйинларни Воронинга хос характерда ўтказаяпти.

Бир йўла Лев Яшин ҳақида ҳам гапириб қўяқолай. Шуниси қизиқки, унинг спорт формаси жуда кўп кишиларни ташвишга солмоқда...

— Ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Яшин ахир 37 ёшда.

— Бунга ишонмайман. Кам деганда 10 ёш кичик.

— Яшинга нисбатан айтилган бундай илиқ сўзлар барча совет ишқибозлари учун жуда қувончлидир. У Англияда ўйнайдими?

— Албатта. Лев ҳали ҳам командамизнинг қалби ҳисобланади.

— Биз совет терма командаси тўла составда Гётеборгга бориб Швеция ва Бразилия терма командалари ўртасидаги матчни томоша қилди деб ўқидик. Бразилияликларнинг ўйини ҳақида нималар делоласиз? У сизга ёқдими?

— Мен йўқ, ўйини ёқмади, икки марта жаҳон чемпиони бўлган команда бўш ўйнади, деб айтишни истар эдим. Лекин бундай деёлмайман, бахтга қарши. Сеола Англияга жуда ва жуда ҳам кучли команда олиб бораяпти. Шуниси ҳам тўғрики, бразилияликлар ҳимоядан кўра ҳужумда жуда яхши ўйинамоқдалар. Тўғрисини айтганда бразилияликлар терма команда ҳужумчиларининг кучи, ҳимоясининг бўш томонларини ҳеч ким пайқаб олмаслиги учун қўлларидан келган барча нарсани қилдилар.

Футболчиларимизга Эдунинг ўйини ёқди. У ҳали жуда ёш, чап қанот ҳужумчиси. Герсон муғомбир ва кучли футболчидир. Ҳар қачонгидек Пеле юксак савияда ўйнамоқда. Умуман айтганда мен бразилияликлар чорак финалда командамиз рақиби бўлмаслигини истар эдим.

— СССР терма командаси группа тўсиқларини муваффақиятли босиб ўта олишига шубҳа қилмайсизми?

— Шубҳа қилмайман. Швециядаги ўйинлар бу ишончимни янада мустаҳкамлади.

— Сизнинг бу сўзларингизни эшитиш совет футбол ишқибозлари учун жуда мароқли. Яна нима демоқчисиз уларга?

— АПН орқали уларга шуни етказингки, биз Англияда ҳурматли ишқибозларимиз кейинчалик камроқ койишлари учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз. Мен бу гапни ҳамма йигитлар номидан гапираяпман. (АПН).

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» ФОЙДАСИГА

Фахрли учинчи ўрин учун даъвогарлардан бири бўлган Ростовнинг Армия спорт клуби командаси кутилмаганда турнир жадвалининг сўнгги ўрнида бораётган пойтахтнинг «Локомотив» футболчиларига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бу мағлубият «Локомотив» ишқибозлари қатори «Пахтакор» мухлисларини ҳам беҳад қувонтириб юборди.

16-турда «Зенит» ҳам икки очкони қўлга киритди. Бу команда Москва автозаводчиларини 2:1 ҳисобида енгди. «Спартак» эса бир очкодан маҳрум бўлди. Москваликлар Одессада маҳаллий армячилар билан бўлган ўйинни 1:1 ҳисобида дуранг қилишди.

Мағлубият нималигини билмай келаётган севимли «Пахтакор» командамизга ростовликлар билан бўладиган бахсда муваффақиятлар тилаймиз.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

Иккинчи группада беллашаётган «Политотдел» колхози командаси сафарда навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Агар Уст-Каменогорскнинг «Восток» футболчилари меҳмонлар дарвозасига иккита тўп киритган бўлса, қишлоқ футболчилари бунга учта тўп билан жавоб қайтардилар. Бу ғалаба «Политотдел»ни биринчи ўринга олиб чиқди.

«Политотдел» бугун ўз майдонида Кемеровонинг «Кузбасс» командасини қабул қилади.



Вьетнам Демократик Республикаси. Америка учувчисини автомашинада Ханой кўчаларидан олиб ўтишмоқда. Ҳаво қароқчиси Мэрфи Нил Жонс АҚШ авиацияси Ханой атрофи ва Хайфон шаҳрига 29 июнда бостириб кирган вақтида Ханой тепасида уриб туширилган эди. Минглаб ханойлик лар кўчага чиқиб, АҚШ империалистларининг янги ваҳшийларча жиноятига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирдилар.

ВИА-ТАСС радиофотоси.

Реклама ва ғолонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11,30 — **Математика** (Тригонометрик тенгламалар. Темага доир масалалар), 12,40 — Физика (Электростатика асослари).

Рус тилида: 13,50 — **Физина** (Газ қонуни. Жисмлар агрегат ҳолатининг ўзгариши).

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18,20 — **Саҳнада биринчи марта** (мультфильм), 18.30 — Кинофильм. 19,30 — **Ноль-уч** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21,05 — **Олтин маъбуда кубоги учун** («Ешлик» студияси). 21.25 — **Адабий эшиттириш**, 21.55 — **Ҳар бир минут ғанимат** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22,15 — **Музикали эшиттириш.**

Москва кўрсатади

(тажриба тариқасида)

00,20— Интервидение. **Футбол бўйича жаҳон биринчилиги.** СССР—КХДР командалари ўртасида (Англиядан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 19.10 — **Ота-оналар учун** (суҳбат), 19,35 — **Келажак нурлари** (ҳужжатли фильм), 19.50 — **Тошкент янгиликлари**, 20,00 — **Бахтсизлик рўй бермаслиги учун** (ҳужжатли фильм), 20.15 — Замондош (телеочерк).

Рус тилида: 20,35— **Биз— ишчилар** (ҳужжатли фильм), 20,55— **Тошкент янгиликлари**, 21.05— **Кўчамиз файзи** (ҳужжатли фильм), 21,20 — **Учрашувдан бир соат олдин** бадиий фильмлар тўплами).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бировнинг номида —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

Медалнинг орқа томони — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Кето ва Котэ — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Том тоғанинг нулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6-15 ва 9-15 минутда).

Шиқоят дафтарини бериng — НАВОИЙ номли (эрталаб ва кечқурун соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда)

Бировнинг номида — «ФЕСТИВАЛЬ».

Жорди (кеч соат 9-15 минутда). **Кето ва Котэ** (кеч соат 10 яримда) — «ВАТАН».

Медалнинг орқа томони — НАВОИЙ номли.

Вундеркиндлар учун орден — КАФАНОВ номли.

Она ва ўғай она—«УДАРНИК».

Темир ниқоб-ПУШКИН номли.

ТОШКЕНТ ТОЛЬ ЗАВОДИГА

цех ишчилари, слесарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 316-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (11, 39, 45, 77-автобуснинг «Чуқурсой» остановкаси ва 7-троллейбуснинг охирги остановкаси).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — 630249 дан 630259 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08592. ИНДЕКС 64969. Г. 1156.